

# Халқ сўзи

Ўзбекистон – келажаги буюк давлат

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган ● WWW.XS.UZ ● E-mail: Info@xs.uz ● 2015 йил 30 апрель, № 85 (6268) Пайшанба

Сайтимизга ўтиш учун QR-кодини телефонингиз орқали сканер қилинг.


# ТАРМОҚЛАРАРО КООПЕРАЦИЯ РИВОЖИНИНГ ЯНГИ УФҚЛАРИ

*“Ўзэкспомарказ” мажмуида Қишлоқ ва сув хўжалиги, қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини қайта ишлаш ва халқ истеъмоли моллари ишлаб чиқариш ҳамда Коммунал соҳа, транспорт, капитал қурилиш ва қурилиш саноати корхоналарининг тармоқ саноат ярмаркаси ва кооперация биржаси иш бошлади. У Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг шу йил 13 мартдаги “2015 йилда Халқаро саноат ярмаркаси ва Кооперация биржасини ташкил этиш ва ўтказиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарорига мувофиқ, IX Халқаро саноат ярмаркаси ва Кооперация биржасининг биринчи босқичи доирасида ташкил этилди.*



Президентимиз ташаббуси билан асос солиниб, анъанавий равишда ўтказиб келинаётган мазкур йирик анжуман иқтисодиёт тармоқлари, айниқса, саноатни ривожлантиришда катта имкониятлар эшигини очиб берди. Негаки, у нафақат ҳудудий ва тармоқ ичида, балки тармоқлараро ҳамда халқаро алоқаларни такомиллаштириш, ишлаб чиқаришга хориж инвестициясини кенг жалб этиш, янги ҳамкорлар иштирокида импорт ўрнини босувчи маҳсулотлар тайёрлашни йўлга қўйиш учун қулай ишбилармонлик муҳитини яратмоқда. Шу маънода, ушбу тадбир, унинг очилиш маросимида таъкидланганидек, ишлаб чиқарувчи ва харидор ўртасида мустаҳкам кўприк вазифасини ўтаётир.

Дарҳақиқат, ярмарка саноат корхоналарига ўз маҳсулотларини кенгроқ намойиш қилиб, янги ҳамкорлар топиш, келгуси йил учун буюртмалар портфелини шакллантириш, жорий йилга мўлжалланган қўшимча шартномалар имзолаш имконини беряпти. Шунинг учун унда иштирок этувчилар сони йил сайин кўпаймоқда. Айтайлик, ўтган йилги тармоқ саноат ярмаркаси ва кооперация биржасида 337 та корхона 1910 турдаги, шу жумладан, Маҳаллийлаштириш дастури доирасида ишлаб чиқариш йўлга қўйилган 90 турдаги янги маҳсулотлари билан қатнашган эди. Унга ташриф буюрган юзлаб маҳаллий корхоналар, 45 га яқин хорижий фирма ва компаниялар вакилларида ушбу рақобатбардош маҳсулотлар катта қизиқиш уйғотди. Якунда саноат кооперацияси асосида умумий қиймати 139,5 миллиард сўмлик маҳсулот етказиб бериш, 64,7 миллион АҚШ долларилик маҳсулотни экспорт қилиш бўйича шартномалар имзоланди.

(Давоми 2-бетда).

## ҲАМКОРЛИК

*Тошкент шаҳрида Ўзбекистон ва Венгрия ишбилармон доираларининг бизнес-форуми бўлиб ўтди.*

# ЎЗБЕКИСТОН — ВЕНГРИЯ БИЗНЕС-ФОРУМИ

Унда икки мамлакатнинг ташқи иқтисодий алоқалар, савдо, сармоя, экспорт-импорт, молия-банк, ёқилғи-энергетика, қишлоқ ва сув хўжалиги, озиқ-овқат саноати, электрон маҳсулотлар ҳамда қурилиш материаллари ишлаб чиқариш, соғлиқни сақлаш, фармацевтика, маркетинг, суғурта, ахборот технологиялари, кичик бизнес ва коммунал соҳалар учун масъул вазирлик ҳамда идоралари, компания ва концернлари раҳбарлари иштирок этди.

Маълумки, Венгрия Ўзбекистоннинг Европа Иттифоқидаги энг фаол ҳамкорларидан бири ҳисобланади. Мамлакатларимиз ўртасидаги алоқалар барча йўналишлар, хусусан, савдо-иқтисодий соҳада жадал ривожланиб бормоқда. Бунда инвестицияларни ўзаро ҳимоя қилиш ва рағбатлантириш, даромадларнинг икки томонлама солиққа тортилишига йўл қўймасликка қаратилган қатор ҳукуматлараро ҳужжатлар қабул қилингани муҳим омил бўлаётир. Натижада 2014 йилда ўзаро товар айирбошлаш ҳажми 63 миллион АҚШ долларидан ортди.

Венгрия ташқи ишлар ва савдо вазири ўринбосари Ласло Сабонинг таъкидлашича, венгриялик ишбилармонларнинг Ўзбекистон иқтисодиётига бўлган қизиқиши тобора ошиб бормоқда. Мазкур тадбир эса савдо-иқтисодий ҳамкорликни янада мустаҳкамлаш, янги лойиҳаларга асос солишга хизмат қилиши билан, айниқса, аҳамиятлидир.

Хорижлик ишбилармонларга бизнес юритиш учун мамлакатимизда яратилган қулай шарт-шароитлар, тақдим этилаётган имтиёз ва преференциялар, махсус индустриал зоналардаги имкониятлар ҳақида батафсил маълумотлар берилди. Бу эса анжуманда иштирок этган “Envisys Investment”, “Aquis IT Services”, “Fit-Food”, “HND Stahl”, “Land Bau”, “Logsol”, “Umirs Europe”, “Maxima Foods” сингари компаниялар вакилларида катта қизиқиш уйғотди. Пировардида улар бизнес фаолиятини Ўзбекистон билан боғлаш ниятида эканлигини мамнуният билан изҳор этдилар.

Шу куни Ўзбекистоннинг бир қатор компания ва саноат корхоналари ҳамда Венгрия ишбилармон доиралари вакиллари иштирокида кооперация биржаси ўтказилди. Тадбир асносида эса юртимизда ишлаб чиқарилган товарлар ва кўрсатилаётган хизматлар экспорти бўйича кўплаб шартномалар имзоланди.

**Саид РАҲМОНОВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**



*Инсон хотиралар билан яшайди. Кечаги куннинг машаққатларини эслаб, оғир дамларни бугунги фараҳбахш ҳаёт билан муқояса қилсак, эзгулик, яхшиликни улуғлаб яшашга кўпроқ интиламиз.*

## ЖАСОРАТ, БУРЧ, МАТОНАТ

*Президентимизнинг ташаббуси ва таклифига биноан, 9 май — Хотира ва Қадрлаш куни мамлакатимизда умумхалқ байрами сифатида нишонланиши замирида ҳам кишиларни эзгуликка ундаш фалсафаси мужассам.*

# Инсон қадри улуғ, хотираси абадий

Муҳими, халқимиз, айниқса, ёшларимиз онгу шуурида ўтганларни ёд этиш, тирикларни қадрлашдек инсоний фазилатлар тобора мустаҳкам қарор топмоқда. Тарихдан сабоқ чиқариб, ўтмишда йўл қўйилган хатоларни такрорламай, миллий ўзликни англаган ҳолда, музаффар аждодларнинг ҳеч кимдан кам бўлмаган авлоди эканимизни англаб яшаяпмиз. Зеро, бу ёруғ ва дориламон кунлар йўлида қурбон бўлганлар руҳини шод этиш, мўътабар кексаларимиз дуосини олиш, тинч ҳамда осойишта замоннинг қадрига етиш, шукроналик туйғуларини ҳис этиш бизга катта қувват бағишлайди, руҳиятимизни поклаб, янгидан-янги бунёдкорлик ишларига чорлайди. Хотира ва Қадрлаш кунининг бу йил “Жасорат, бурч, матонат” шиори остида нишонлаётгани, ушбу тадбирлар доирасида таълим муассасаларида, маҳаллаларда ёши улуғ кишилар, уруш ва меҳнат фахрийлари билан уюштирилаётган мулоқотлар ҳам ана шу эзгу мақсадга хизмат қилмоқда.

Давлатимиз томонидан уруш қатнашчилари ва фронт ортида меҳнат қилганларга, жангда ҳалок бўлганларнинг оилаларига пенсия ҳамда нафақалардан ташқари, ҳар йили турли ижтимоий ёрдамлар кўрсатилмоқда. Уларнинг сиҳатгоҳ ҳамда курортларда даволаниш, протез-ортопедия жиҳозлари, ногиронлар аравачалари ва бошқа тегишли воситалар билан таъминланишига, жамоат транспортида бепул юриш ҳамда коммунал хизматлар бўйича компенсациялар олишига катта эътибор берилаётир. Жумладан, Иккинчи жаҳон урушида юксак жасорат ва матонат кўрсатиб, фашизм устидан қозонилган ғалабага муносиб ҳисса қўшган, бугунги тинч-осойишта ва фаровон ҳаётимиз йўлида жонини фидо қилган юртдошларимиз халқимиз, давлатимизнинг доимий эътибор ҳамда эъзозида бўлиб келмоқда.

(Давоми 3-бетда).

Халқаро экспертлар:

# «Аёллар ҳақ-ҳуқуқлари ва манфаатларини ҳимоя қилиш борасида Ўзбекистон бошқа мамлакатлар учун намуна бўлиб хизмат қилади»

*Ижтимоий-сиёсий ҳамда ижтимоий-иқтисодий ҳаётда аёлларнинг ўрни ва мақомини юксалтириш Ўзбекистонда давлат сиёсатидаги ўта муҳим устуворлик ҳисобланади. Шу мақсадда аёлларнинг ижтимоий фаоллигини ошириш, уларнинг бандлигини таъминлаш, оила институтини, оналик ва болалик муҳофазасини янада кучайтириш бўйича самарали чора-тадбирлар қабул қилинмоқда.*

## ЭЪТИРОФ

Бугунги кунда мамлакатимиз давлат ҳамда жамият бошқарувининг барча бўғинида, суд-ҳуқуқ тизими, нодавлат ташкилотлар фаолияти, ижтимоий тизимларда, умуман олганда, жамиятимиз ҳаётининг ҳамма соҳасида аёлларнинг сиёсий ва ҳуқуқий маданияти даражаси ҳамда ижтимоий фаоллиги ошиб бораётганини кузатиш мумкин. Ҳозирги пайтда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати аъзоларининг 17 фоизини, Қонунчилик палатаси депутатларининг 16 фоизини аёллар ташкил этади, юзлаб аёллар халқ депутатлари вилоят, шаҳар ҳамда туман Кенгашларида фаол меҳнат қилмоқда. Ўзбекистонда иш олиб бораётган тадбиркорларнинг 35 фоизи, фермерларнинг 10 фоизи аёллардан иборатдир.

Ўзбекистонда аёллар ўз билими ва тажрибаси, малакаси ҳамда маҳорати боис кўпгина соҳаларда етакчи ўринни эгаллашган. Ҳаётимизда борган сари муҳим аҳамият касб этаётган соҳа ва тармоқлар тараққиётини, фермерлик ҳаракати, кичик бизнес ҳамда хусусий тадбиркорлик, юқори технологияларга асосланган замонавий соҳалар, илм-фан, тиббиёт, таълим ва тарбия, маданият ҳамда санъат ва бошқа жабҳаларни аёлларнинг иштирокисиз тасаввур қилиш қийин.

Юртимизнинг аёллар ҳақ-ҳуқуқлари ҳамда манфаатларини ҳар томонлама муҳофаза этиш соҳасидаги тажрибаси ва қўлга киритган муваффақиятлари, уларнинг давлат ҳамда жамият ҳаётидаги фаол иштироки таъминлангани бугун дунё миқёсида катта қизиқиш уйғотмоқда. Хусусан, бу мавзу юқори даражаларда, Бирлашган Миллатлар Ташкилоти, Европада хавфсизлик ва ҳамкорлик ташкилоти, Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлиги сингари кўп томонлама институтлар ҳамда бошқа ташкилотлар доирасида кўриб чиқилмоқда ва муҳокама этилмоқда.

(Давоми 3-бетда).

## ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ БОШ ПРОКУРАТУРАСИДА

*29 апрель куни Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратурасида “Камолот” ёшлар ижтимоий ҳаракати, Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, Тошкент давлат юридик университети билан ҳамкорликда “Ёшларни ахборот хуружларидан ҳимоя қилиш масалалари” мавзуида илмий-амалий конференция ўтказилди.*

# Баркамол авлодни тарбиялаш — долзарб вазифа

Тадбирда Бош прокуратуранинг Олий ўқув курслари профессор-ўқитувчилари ва тингловчилари, “Камолот” ёшлар ижтимоий ҳаракати Марказий кенгаши, Олий ва ўрта махсус таълим, Адлия, Ички ишлар, Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирликлари, Республика Хотин-қизлар қўмитаси, “Маҳалла” хайрия жамоат фонди, Республика Маънавият тарғибот маркази, Миллий ғоя ва мафкура илмий-амалий маркази, Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлиги, оммавий ахборот воситалари вакиллари ҳамда Тошкент давлат юридик университети, Тошкент ислом университети, Ўзбекистон Миллий университети, Жаҳон иқтисодиёти ва дипломатия университети, Тошкент ахборот технологиялари университети профессор-ўқитувчилари ва талабалари ҳамда бошқа ташкилотлар вакиллари иштирок этди.

(Давоми 2-бетда).

# Илм-фан ютуқлари ва тараққиёт

*Кеча пойтахтимиздаги “Кўргазма савдо маркази” мажмуасида Инновацион ғоялар, технологиялар ва лойиҳалар ҳудудий ярмаркаси очилди.*

## ЯРМАРКА

Ушбу тадбир Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус, Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш, Соғлиқни сақлаш вазирликлари, “Ўзбекнефтгаз”, “Ўзавтосаноат”, “Ўзфармсаноат”, “Ўзкимёсаноат”, “Ўзбекистон темир йўллари”, “Ўзқурилишматериаллари” компаниялари, Ўзбекистон Фанлар академияси, “Ўзэлтехсаноат” уюшмаси, Савдо-саноат палатаси, “Камолот” ЁИҲ, Тошкент шаҳри ҳамда Тошкент вилояти ҳокимликлари томонидан ташкил этилди.

Ярмарка Президентимизнинг 2008 йил 15 июлдаги “Инновацион лойиҳалар ва технологияларни ишлаб чиқаришга татбиқ этишни рағбатлантириш борасидаги қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги қарори ижроси доирасида ўтказилмоқда.

Унда саноат, қишлоқ хўжалиги, соғлиқни сақлаш, фармацевтика, ахборот-коммуникация технологиялари, фан ва таълим соҳаларидаги юзлаб инновацион маҳсулотлар намойиш этилаётир. Айтиш жоизки, ушбу тадбир истиқболли ғоя ва ишланмаларни амалиётга татбиқ қилиш борасида янги имкониятлар очмоқда. Бу эса ишлаб чиқариш самарадорлигини ошириш, ички бозорда миллий маҳсулотлар улушини кўпайтириш, илм-фан ҳамда ишлаб чиқариш интеграциясини кучайтиришга хизмат қилаяпти.

— Корхонамиз қуёш панеллари, гелиотизимлар, инверторлар ишлаб чиқариш, сотиш, ўрнатиш ва уларга техник хизмат кўрсатиш билан шуғулланади, — дейди “Solar energy products” масъулияти чекланган жамияти раҳбари Элмурод Абдуллаев. — Тадбирда ана шундай технологиялар билан қатнашаяпмиз.

(Давоми 2-бетда).



# ФАРОВОН ҲАЁТИМИЗНИНГ ХАЛҚАРО ЭЪТИРОФИ

*Яқинда БМТнинг бир гуруҳ нуфузли олим ва таҳлилчилари томонидан жаҳоннинг энг бахтли мамлакатлари янги рейтинги тузилиб, эълон қилинди. Уни тайёрлаш чоғида дунёнинг 158 та давлатидаги тегишли кўрсаткичлар таҳлил этилди.*

ИФТИХОР

Эътиборлиси, мазкур рўйхатда республикамиз 44-ўринни эгаллади. МДҲ давлатлари орасида Ўзбекистон биринчи поғонада қайд этилди, Осиё мамлакатлари ичида эса етакчилар қаторидан жой олди. Буларнинг барчаси юртимизда амалга оширилаётган кенг кўламли демократик ислоҳотлар самараларидан далолатдир.

Жаҳоннинг бахтли мамлакатлари рейтинги давлат ялпи ички маҳсулотининг ўсиш суръатлари, аҳоли жон бошига даромадларнинг бўлиниши, у ердаги тинчлик ва барқарорлик, ижтимоий соҳага қаратилаётган эътибор, коррупцияга қарши кураш бўйича амалий чора-тадбирлар, жиноятчилик даражаси, бағрикенглик, аҳоли фаровонлиги, фуқароларнинг давлат томонидан олиб борилаётган сиёсатга муносабати ва бошқа қатор мезонлар асосида аниқланади. Кўрсатиб ўтилган мезонлар бўйича маълумотлар тўплаш ҳамда уларни комплекс таҳлил қилиш 2012 — 2014 йиллар мобайнида амалга оширилгани диққатга сазовор.

Шубҳасиз, қисқа давр ичида юртимизда инсон ҳуқуқлари ва эркинликлари, фуқароларимиз фаровонлигини таъминлаш йўлида салмоқли ютуқларга эришилди. Дунёда молиявий-иқтисодий инқироз ҳали-ҳануз давом этаётганига қарамай, Ўзбекистонда иқтисодиёт ва унинг етакчи тармоқларида барқарор юқори ўсиш суръатлари кузатилмоқда. Сўнгги 10 йилда мамлакатда ялпи ички маҳсулот даражаси ҳар йили 8 фоиздан зиёдни ташкил этаяпти. Мана, жорий йилнинг биринчи чорагида ҳам бу борада 7,5 фоиз ўсишга эришилди. Айни пайтда ишлаб чиқариш сектори, саноат жадал ривнақ топаётир, инвестициялар ҳажми ва аҳолининг реал даромадлари ошиб бормоқда.

Табиийки, Ўзбекистон ютуқларининг жаҳон ҳамжамияти томонидан тан олиниши фақатгина рақамлар таҳлилида ўз ифодасини топмаган. Унинг ортида ҳамюртларимизнинг юқори кайфияти, юксалиб бораётган ҳаёт даражаси, диёримизда ҳукм сураётган тинчлик-осойишталик, олиб борилаётган оқилона сиёсат яққол кўриниб турибди.

Таъкидлаш жоизки, мустақилликнинг илк йиллариданоқ Ўзбекистон ўзи танлаган йўлдан қатъият ва ишонч билан олға бораяпти. Пировардида салмоқли муваффақиятларга эришилди.

Биз танлаган ва дунёда тараққиётнинг “ўзбек модели” дея эътироф этилган йўл нақадар тўғри эканлигини ҳаётнинг ўзи тасдиқлаб берди. Зеро, бозор иқтисодиётига ўтишнинг беш тамойилига асосланган ислоҳотларни изчил рўёбга чиқариш унинг мазмун-моҳиятини ташкил қилади. Одамларимиз дунёқараши ва тафаккуридаги туб ўзгаришлар, уларнинг сиёсий-ҳуқуқий маданияти ўсиб бораётгани, ҳаётида кўпни кўрган фидойи ҳамда мард халқимиз мазкур ютуқлар асоси ҳисобланади, десак, айни ҳақиқатдир.

Албатта, дунёнинг энг бахтли мамлакатлари қаторидан муносиб жой олиш ҳар бир ўзбекистонлик қалбига ўз Ватанидан чексиз ғурурланиш ва фахрланиш туйғусини бахш этади. Бу, ўз навбатида, хусусан, биз, депутатлар зиммасига амалга оширилаётган ислоҳотларнинг ҳуқуқий асосларини ўз вақтида ва сифатли таъминлаш, уларни амалиётга самарали татбиқ этиш, сайловчилар манфаатларини ҳимоя қилишдек катта масъулият юклайди.

Яна бир муҳим жиҳатга тўхталиб ўтиш жоиз. Яъни Президентимиз Ислом Каримов томонидан қайд этилганидек, агарки биз эришган ютуқ ва марраларимиз билан чегараланиб, хотиржамлик, ҳаволаниш ва бепарволик кайфиятларига берилиб кетсак, бундай ҳолат барчамиз йўл қўйган, кечириб бўлмайдиган катта хатога айланиб кетиши мумкин. Барчамиз ушбу ҳақиқатни яхши англаб етган ҳолда, атрофимизда рўй бераётган ўзгаришларга дахлдорлик ҳисси билан, қисқа қилиб айтганда, бу саховатли, тенги йўқ замин — менинг ягона Ватаним, унинг қувончи ва ғамхўрлиги — менинг қувончим ва ғамхўрлигим эканлигини чуқур ҳис қилган ҳолда яшашимиз мақсадга мувофиқдир.

Шулар билан бир қаторда, мамлакатимиз олдида турган устувор вазифаларни дунёда содир бўлаётган воқеа-ҳодисаларни инобатга олган ҳолда амалга ошириш биздан Ўзбекистоннинг жаҳондаги ривожланган давлатлар қаторидан муносиб ўрин эгаллаши йўлида демократик ислоҳотларни янада фаоллаштиришни талаб этади. Зеро, биз ҳаёт бир жойда тўхтаб турмаслигию ҳамма нарса ҳаракатда эканлигини, гуллаб-яшнаш йўлида замоннинг ўзи дадил саъй-ҳаракатларни тақозо этишини ҳеч қачон унутмаслигимиз зарур.

**Раҳим ҲАКИМОВ,**
**Шуҳрат ЯКУБОВ,**
**Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси депутатлари.**

(Давоми. Бошланиши 1-бетда).



# ТАРМОҚЛАРАРО КООПЕРАЦИЯ РИВОЖИНИНГ ЯНГИ УФҚЛАРИ

Бу йилги тадбир ҳам томонлар ўртасида узоқ муддатли алоқалар ўрнатиш, тенг манфаатли келишувларга эришиш имконини яратиб берди, десак, айни ҳақиқатни айтган бўламиз. Гап шундаки, иштирокчилар сони янада кўпайиб, 390 га яқин саноат корхоналари, кўплаб кичик бизнес субъектлари ўзларининг янги маҳсулотларини тақдим этмоқда. Масалан, “Ўзбекчармпойабзали” уюшмаси тасарруфидаги 72 корхона томонидан 420 хил маҳсулот намойиш этилаётган бўлиб, шундан 22 таси ўтган йили маҳаллийлаштирилган.

— Бугунги кунда тизим корхоналарида нафақат мавсумий пойабзаллар, балки иқтисодиётимизнинг барча соҳаси вакиллари учун махсус оёқ кийимлари ишлаб чиқариш йўлга қўйилган, — дейди уюшма бош мутахассиси Шуҳрат Алиев. — Улар сифат кўрсаткичлари билан бемалол рақобатга кириша олади. Шунинг учун хорижда ҳам талаб ортиб бораяпти. Бугунги ярмаркада Покистон, Ҳиндистон, Италия, Корея Республикаси каби давлатлардан келган мутахассислар билан экспорт бўйича келишув битимларини имзолаганимиз бунинг яққол тасдиғидир. Умуман, тадбир доирасида маҳсулот етказиб бериш бўйича 51 миллиард сўмлик шартномалар тузишни режалаштириб турибмиз.

Ярмарка иштирокчилари фаолияти билан яқиндан танишар экансиз, юртимизда экспортчи корхоналар сафи йил сайин кенгайиб бораётганига гувоҳ бўласиз. Мисол учун, унда “Ўзбекенгилсаноат” компанияси тизимидаги 40 та хўжалик юритувчи субъект қатнашаётган бўлса, уларнинг барчаси аллақачон экспорт амалиётига жалб этилган. “Tailor impex” масъулияти чекланган жамияти — шулардан бири.

— Корхонамиз иш бошлаганига эндигина тўрт йил бўлди, — дейди мазкур жамият раҳбари Зулфия Шермуҳаммедова. — Аммо шу қисқа давр ичида болалар, аёллар ва эркакларнинг мавсумий либосларини, спорт кийимлари ҳамда пайпоқлар ишлаб чиқаришни ўзлаштирдик. Улар табиий матодан, замонавий дизайн асосида тикилаётгани боис тобора харидоргир бўлиб бормоқда. Буюртмалар порфелини шакллантириш, айниқса, экспорт шартномалари тузишимизда анъанавий ўтказиб келинаётган ярмарка муҳим омил бўлмоқда.

Таъкидлаш керакки, саноат ярмаркасида иштирок этаётган корхоналарга бир қатор имтиёзлар ҳам берилган. Яъни бу ерда таклиф қилинаётган маҳсулотлар икки томонлама шартномалар асосида қўшимча тендер савдоларисиз амалга оширилади. Бундай қулайликлар ишлаб чиқарувчиларни ўз фаолиятига инновацион ишланмаларни жорий қилиш эвазига янги маҳсулотлар тайёрлашга руҳлантирмоқда. Бу борадаги изланишлар самарасидан эса биринчилардан бўлиб ярмаркага ташриф буюрганлар хабардор бўлишади.

Бу йилги тадбир ҳам ана шундай янгиликларга бойлиги билан эътиборга лойиқ. Айниқса, “Олмалиқ металл конструкция” масъулияти чекланган жамиятида яратилган пайвандлаш аппарати кўпчиликнинг диққатини тортмоқда.

— Мазкур ускунанинг турдошларидан фарқли жиҳати шундаки, унинг ишлаши учун фақат сувнинг ўзи етарли, кислород ва бошқа моддалар талаб қилинмайди, — дейди ушбу корхона муҳандис-конструктори Абдушукур Иманов. — Қолаверса, ҳажми кичик бўлгани боис уни ишлатиш ҳам қулай. Экологик жиҳатдан эса мутлақо безарар. Унинг ёрдамида металларни кесиш ҳам, пайвандлаш ҳам мумкин. Шунинг учун бу маҳсулотимизга коммунал соҳа вакиллари, автомобилларга техник хизмат кўрсатиш корхоналари катта қизиқиш билдираяпти.

Тадбирнинг уч кун фаолият кўрсатиши, унинг доирасида долзарб мавзуларда семинарлар, турли тақдимотлар ўтказилиши иштирокчиларга иқтисодиётнинг муҳим тармоқлари ютуқлари билан яқиндан танишиш, йирик саноат корхоналарининг илғор тажрибаларини ўрганиш учун қулай фурсатдир.

**С. РАҲМОНОВ.**

ДАВРА СУҲБАТИ

*Мамлакатимизда барча соҳаларда техник ва технологик янгиланиш ҳамда модернизациялаш ишлари изчил амалга оширилиб, меҳнатни муҳофаза этиш маданиятини юксалтиришга алоҳида эътибор қаратилмоқда.*

# Меҳнат муҳофазасини таъминлаш

## касаба уюшмалари фаолиятининг устувор йўналишларидан биридир

Бу борада қабул қилинган норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар ходимларга хавфсиз, қулай ва муносиб меҳнат шароитлари яратиш, корхона ҳамда ташкилотлардаги меҳнат муҳофазаси ҳолатини яхшилаш, ишлаб чиқаришдаги жароҳатланиш, касб касалликларининг олдини олиш, бунда ижтимоий шерикликни янада ривожлантириш, жамоатчилик назоратини кучайтиришда дастуриламал бўлиб хизмат қилаётир.

Ўзбекистон Касаба уюшмалари Федерацияси Кенгаши томонидан Бутунжаҳон меҳнатни муҳофаза қилиш кунига бағишлаб ўтказилган давра суҳбатида шулар хусусида атрофлича сўз юритилди. Унда Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутатлари, Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги “Саноатконтехназорат” давлат инспекцияси, Ёқилғи-энергетика комплекси, кимё, нефткимё ва металлургия саноати масалалари комплекси таркибига кирувчи корхоналар, ҳамкор ташкилотлар, юртимизда аккредитациядан ўтган бир қатор халқаро ташкилотлар вакиллари ҳамда журналистлар қатнашди.

Давра суҳбатида Касаба уюшмалари Федерацияси Кенгаши томонидан ходимлар меҳнати муҳофазасини таъминлаш борасида комплекс чора-тадбирлар тизимли равишда олиб борилаётгани, бунда асосий эътибор профилактика ишларига қаратилаётгани таъкидланди. Чунончи, Ўзбекистон Касаба уюшмалари Федерацияси Кенгаши ҳамда ҳудудий ва тармоқ касаба уюшмаларида меҳнатни муҳофаза қилиш хизмати тизими ишга туширилди. Натижада бошланғич касаба уюшмалари томонидан меҳнат жамоаларида ходимларга муносиб меҳнат шароитлари яратилиши билан бир қаторда, санитария-гигиена талабларига риоя этиш, ишлаб чиқаришда жароҳатланиш ва касб касалликларига чалинишнинг олдини олиш бўйича самарали ютуқлар қўлга киритилмоқда.

Тадбирда мамлакатимизда меҳнат муҳофазаси, соғлом ва хавфсиз меҳнат шароити яратишга оид норматив-ҳуқуқий база такомиллаштириб борилаётгани натижасида қатор масалаларни ижтимоий шериклик асосида ҳал қилиш имкони яратилгани эътироф этилди. Шунингдек, касаба уюшмаларининг ҳамкор ташкилотлар билан биргаликда ходимларнинг ижтимоий-иқтисодий манфаатларини ҳимоялаш борасида олиб бораётган ишларига урғу берилди.

Ходимлар меҳнати муҳофазасини таъминлашда давлат, касаба уюшмалари, иш берувчилар ва нодавлат нотижорат ташкилотлари ҳамкорлиги самарадорлигини кучайтириш, меҳнатни муҳофаза қилишга доир қонунлар ҳамда бошқа меъёрий ҳужжатларга риоя этилиши устидан жамоатчилик назоратини олиб бориш, меҳнатни муҳофаза қилиш соҳасида профилактика маданиятини юқори даражага кўтариш борасида фикр-мулоҳазалар билдирилди.

Тадбир доирасида Касаба уюшмалари Федерацияси Кенгаши томонидан меҳнат муҳофазаси бўйича анъанавий равишда ўтказиб келинаётган республика кўрик-танловининг “Энг яхши корхона”, “Энг яхши касаба уюшма қўмитаси”, “Меҳнат муҳофазаси бўйича энг яхши вакил” номинациялари ғолибларини тақдирлаш маросими ҳам бўлиб ўтди.

— Ҳозирги кунда заводимизда 800 дан ортиқ ишчи-ходимлар ишлайди, — дейди мазкур танловнинг “Энг яхши корхона” номинацияси ғолиби бўлган “GM Powertrain Uzbekistan” қўшма корхонаси вакили Жамолиддин Атаматов. — Уларнинг меҳнати муҳофазасини таъминлаш, саломатлигини мустаҳкамлаш, бахтсиз ҳодисалардан асраш, умуман айтганда, муносиб меҳнат шароитини яратишга қаратилган чора-тадбирлар жамоа шартномаларига киритилиб, касаба уюшма қўмитаси ва иш берувчи ижтимоий шериклигида бу борада амалий натижаларга эришилмоқда. Ушбу жараёнда иш берувчиларнинг масъулияти оширилаётгани эътиборлидир. Албатта, бу ходимларнинг ижтимоий ҳимоясини таъминлаш билан бирга, уларнинг янада самарали ишлашларига зарур шарт-шароитлар яратади.

Тадбир доирасида меҳнат муҳофазасининг самарали таъминланишида муҳим омил бўлган махсус кийим-бош ва шахсий ҳимоя воситалари кўргазмаси ҳам ташкил этилди.

**Зиёда АШУРОВА,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**

# Баркамол авлодни тарбиялаш — долзарб вазифа

(Давоми. Бошланиши 1-бетда).

Анжуманда ёшларни уларнинг онги ва дунёқарашига салбий таъсир кўрсатадиган ахборотлардан ҳимоя қилишда давлат органлари ҳамда фуқаролик жамияти институтларининг масъулиятини юксалтириш ва ахборот олиш соҳасидаги муносабатларни тартибга солишга қаратилган норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар ижроси самарадорлигини ошириш, бу борада қонунларнинг аниқ ҳамда бир хилда ижро этилиши устидан прокурор назоратини янада кучайтириш чоралари муҳокама қилинди.

Таъкидланганидек, глобаллашув жараёнлари аҳолининг ахборот олиш имкониятларини кенгайтирмоқда. Шу билан бир қаторда, бу жараён фуқароларни ахборот хуружларидан ҳимоя қилиш тизимини янада такомиллаштиришни тақозо этаяпти. Айниқса, мамлакатимиз аҳолисининг 60 фоизидан ортиғи ёшлар эканини инобатга оладиган бўлсак, ахборот хуружларидан ҳимоя қилиш чора-тадбирларини амалга ошириш долзарб вазифага айланиб бормоқда.

Конференцияда ёшларни маънавий таҳдидлар ва ахборот хуружларидан ҳимоя қилишда “оммавий маданият”нинг салбий кўринишлари, интернет ҳамда оммавий ахборот воситаларининг салбий таъсирларини бартараф этиш бўйича ҳуқуқий, ташкилий-техник ва иқтисодий усулларни комплекс равишда қўллаб бориш масалалари муҳокама қилинди.

Ёшларнинг дунёқарашини кенгайтириш, турли маънавий таҳдидларга нисбатан мафкуравий иммунитетини шакллантириш бўйича ишларни амалга оширишда, хусусан, уларни ахборот хуружларидан ҳимоя қилишда давлат органлари, фуқаролик жамияти институтлари ва оммавий ахборот воситалари самарали ҳамкорлик олиб бориши зарурлиги кўрсатиб ўтилди.

Тадбир якунида ёшларни ахборот хуружларидан ҳимоя қилишга доир ўзаро ҳамкорликнинг асосий йўналишлари белгилаб олинди.

**Бош прокуратура Матбуот хизмати.**

# Илм-фан ютуқлари ва тараққиёт



Ҳасан ПАЙДОЕВ олган суратлар.

(Давоми. Бошланиши 1-бетда).

Иштирокчилар бизнинг инвертор қурилмамизга катта қизиқиш билдиришмоқда. Бу қурилманинг афзаллиги шундаки, у электр токи узилиб қолганда, бир вақтнинг ўзида компьютер, телевизор ва чироқларни 7-8 соатгача қувват билан таъминлаб туради.

Ярмаркага ташриф буюраётганлар олимлар таклиф этаётган лойиҳа ва асбоб-ускуналарни синчиклаб ўрганиб, ўзларига маъқул келганларини танлаб олишаяпти ва ишлаб чиқарувчилар билан харид қилиш шартларини муҳокама этишаётир. Ўзаро манфаатли шартномалар тузилмоқда. Айниқса, Ўзбекистон Республикаси Фанлар академиясининг илмий тадқиқот муассасалари стендлари кўпчиликнинг эътиборини ўзига жалб қилаяпти. Улар иқтисодиётнинг таянч тармоқлари, жумладан, нефть-газ, кимё, фармацевтика саноати, қурилиш, қишлоқ хўжалиги, темир йўл транспорти, муқобил энергетика ва бошқа жабҳалардаги устувор вазифаларни бажаришга йўналтирилган юздан зиёд инновацион ишланма ҳамда лойиҳаларни намойиш этишмоқда.

Албатта, тақдим қилинаётган ҳар бир янгилик диққатга сазовордир. Масалан, улар орасида консерваланган “Тошкент палови”ни алоҳида таъкидлаш жоиз. Ишлаб чиқарувчиларнинг сўзларига кўра, ушбу ноодатий маҳсулотнинг таркибида ҳеч қандай консервант йўқ. Уни узоқ муддат сақлаш мумкин ва энг муҳими, мазаси эндигина пишган ошдан фарқ қилмайди. “Тошкент палови” экспортга ҳам мўлжалланган.

Ташкилотчиларнинг айтишича, намойиш этилаётган янги лойиҳалар ва илғор технологиялар 40 дан ортиқ ҳудудий саноат корхоналарида татбиқ қилиниши режалаштирилган.

**Омонулла ФАЙЗИЕВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**

**Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси ҳузуридаги**
**Нодавлат нотижорат ташкилотларини ва фуқаролик жамиятининг**
**бошқа институтларини қўллаб-қувватлаш Жамоат фонди**
**«Кексаларни эъзозлаш йили»**
**Давлат дастурида белгиланган вазифаларни амалга оширишга нодавлат нотижорат ташкилотларини кенг жалб қилиш мавзуида**

# ДАВЛАТ ГРАНТИ БЕРИШ УЧУН ТАНЛОВ ЭЪЛОН ҚИЛАДИ

**Танловда давлат рўйхатидан ўтган фуқаролик жамияти институтларининг қуйидаги мақсадлардан келиб чиққан лойиҳалари қабул қилинади:**

1. Кексалар, авваламбор, 1941 — 1945 йиллардаги уруш ва меҳнат фронти фахрийлари, ёлғиз қариялар ва ногиронларни манзилли ижтимоий, моддий ва маънавий қўллаб-қувватлаш, уларга уй-жой-маиший ва доимий патронаж хизматларини ташкил этиш;

2. Кексаларнинг мазмунли дам олиши ва маданий ҳордиқ чиқаришини ташкиллаштириш, уларни фаол дам олишга жалб қилиш, турли экскурсия ва саёҳат дастурларини ташкил этиш, кексалар учун мулоқот ҳамда дам олиш марказлари фаолиятини янада ривожлантириш, уларга кўрсатилаётган хизматлар кўламини кенгайтириш;

3. Нуронийларнинг таълим, спорт, ахборот, маслаҳат дастурларидан ва замонавий ахборот технологияларидан кенг фойдаланишини таъминлаш;

4. Кекса авлод вакилларига ғамхўрлик ҳамда эътиборни кучайтириш, уларнинг турмуш даражаси ва сифатини юксалтириш, яшаш ҳамда маиший шароитларини яхшилаш, хонадонларини ободонлаштириш;

5. Кексаларни спорт ва жисмоний тарбия билан шуғулланишга жалб қилиш, турли соғломлаштириш клублари фаолиятини ташкил этиш;

6. Кексаларнинг оила ва жамиятдаги роли ҳамда нуфузини ошириш, болалар ва ёшларда ота-оналарга, кексаларга чуқур ҳурмат, эътибор ва ғамхўрлик туйғусини тарбиялаш бўйича амалий тадбирларни амалга ошириш;

7. 1941 — 1945 йиллардаги уруш ва меҳнат фронти фахрийларини шарафлаш бўйича ўтказиладиган тадбирлар доирасида ўсиб келаётган авлодни Ватан ҳимоячилари сифатида ватанпарварлик руҳида тарбиялаш бўйича чора-тадбирларни кучайтириш;

8. Кекса ёшдаги шахсларнинг бандлигини рағбатлантириш, шу жумладан, устоз-мураббийлик анъаналарини ташкил этиш ва янада ривожлантириш, кекса авлоднинг билими, тажрибаси ҳамда меҳнат салоҳиятидан фойдаланиш, уларни жамоат ташкилотлари фаолиятига кенг жалб қилиш;

9. Нуронийларга ижтимоий хизмат кўрсатиш соҳасида кўнгиллилар (волонтёрлик) фаолиятини қўллаб-қувватлаш ва ривожлантириш, қарияларнинг турмуш даражаси ҳамда сифатини янада яхшилашга жамоатчилик, маҳалла фуқаролари, ёшларни кенг жалб қилиш чора-тадбирларини амалга ошириш;

10. Нодавлат мулк шаклига эга ташкилотлар ва корхоналарни нуронийларга ижтимоий хизматлар кўрсатиш тизимига жалб қилинишини қўллаб-қувватлаш ҳамда унинг даражасини юксалтириш, уларнинг мазкур соҳада хайрия фаолиятини рағбатлантириш;

11. Нуронийларнинг эҳтиёжларини қондиришга қаратилган товарлар ва хизматлар ишлаб чиқарилишини рағбатлантириш;

12. «Кексаларни эъзозлаш йили» Давлат дастурининг бажарилиши ҳамда кексаларнинг ҳуқуқ ва манфаатларига риоя қилинишини таъминлаш, жамоатчилик назоратини ташкил этиш.

Битта лойиҳа учун ажратиладиган грант миқдори — 15 млн. сўмгача.

Ҳужжатлар 2015 йил 27 апрелдан 1 июнгача қабул қилинади.

Ҳужжатлар «Ўзбекистон почтаси» орқали муҳрланган конвертда (А4 формат): Тошкент шаҳри, 100035. Бунёдкор шоҳкўчаси, 1-уйда жойлашган **«Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси ҳузуридаги ННТ ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтларини қўллаб-қувватлаш Жамоат фонди»** номига юборилиши шарт.

Танловда иштирок этиш шартлари ва танлов ҳужжатларининг намуналари билан Жамоат фондининг **www.fundngo.uz** расмий веб-сайтида танишиш мумкин.

Маълумот учун телефонлар: (0-371) 239-26-76, 239-26-64.

**Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси ҳузуридаги**
**Нодавлат нотижорат ташкилотларини ва фуқаролик жамиятининг**
**бошқа институтларини қўллаб-қувватлаш Жамоат фонди**
**«Давлат ижтимоий дастурларининг амалга оширилиши, демократик ислоҳотларни чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини шакллантириш жараёнларини мустақил ОАВда ёритишга қаратилган лойиҳаларини қўллаб-қувватлаш» мавзуида**

# ДАВЛАТ ГРАНТИ БЕРИШ УЧУН ТАНЛОВ ЭЪЛОН ҚИЛАДИ

**Танловда давлат рўйхатидан ўтган фуқаролик жамияти институтларининг қуйидаги мақсадлардан келиб чиққан лойиҳалари қабул қилинади:**

1. «Кексаларни эъзозлаш йили» Давлат дастурининг бажарилиши, нуронийларга, 1941 — 1945 йиллардаги уруш ва меҳнат фронти фахрийларига ғамхўрлик ва эътибор кўрсатишни кўчайтириш бўйича амалга оширилаётган чоралар ҳақида кенг жамоатчиликни хабардор қилиш;

2. Ватанни фашизмдан ҳимоя қилишда мардлик ва қаҳрамонлик кўрсатган, Ғалаба йўлида фронт ортида фидокорона меҳнат қилган кекса авлод вакилларининг аниқ мисолида махсус телекўрсатув ҳамда радиоэшиттиришлар, мақолалар, нашрлар тайёрлаш;

3. Юртимизда ёлғиз қариялар, пенсионерлар ва ногиронларнинг самарали ҳамда манзилли ижтимоий ҳимоясини кучайтиришга, уларга кўрсатилаётган ижтимоий, тиббий ва маиший хизматлар турини кенгайтиришга ҳамда сифатини оширишга қаратилган ислоҳотлар амалга оширилаётганини ҳудудий ОАВда ёритиш;

4. Мамлакатда амалга оширилаётган ислоҳотларни, энг аввало, фуқароларнинг ижтимоий-сиёсий, социал-иқтисодий фаоллигини юксалтиришга йўналтирилган, жамоат ташкилотлари фаолиятининг ташкилий-ҳуқуқий асослари такомиллашуви, уларнинг ижтимоий-иқтисодий ривожланиш дастурларини амалга оширишда, гуманитар муаммоларни ҳал этишда, аҳоли турли қатламлари ҳуқуқлари, манфаатлари ва эркинликларини ҳимоя қилишда жойлардаги давлат органлари билан ўзаро ҳамкорлигини ОАВда кенг ёритиш;

5. Ижтимоий аҳамиятга молик бўлган давлат ижтимоий дастурларини, ҳудудий ижтимоий-иқтисодий ривожланиш дастурларини амалга оширишда ННТ, фуқаролик жамияти институтларининг иштирокини ёритиш;

6. Жамиятда юксак маънавий-ахлоқий қадриятларни, мамлакатда тинчлик ва барқарорликни сақлаш ҳамда мустаҳкамлаш, миллатлараро ва конфессиялараро тотувликни таъминлашда маҳалла институтининг роли ҳамда аҳамияти ҳақида мамлакат аҳолисини кенг хабардор қилиш (намунали маҳаллалар мисолида);

7. Мамлакатда демократик ислоҳотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш Концепцияси доирасида қабул қилинган қонунлар ижроси жараёнларини ёритиш;

8. 2014 йил апрелда Ўзбекистон Республикасининг Конституциясига киритилган, давлат бошқаруви ҳамда ижро органлари фаолиятини янада демократлаштиришга йўналтирилган тузатишларнинг мазмун-моҳияти тўғрисида кенг жамоатчиликни хабардор қилиш;

9. Ҳудудий ОАВда мамлакат ижтимоий, сиёсий ва иқтисодий ривожланишининг асосий масалалари бўйича сиёсий партияларнинг позицияларини, сиёсий партияларнинг парламентдаги фракциялари, халқ депутатлари маҳаллий Кенгашларида партия гуруҳларининг фаолиятидан ахборот берувчи таҳлилий материалларни тайёрлаш;

10. «Давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари фаолиятининг очиқлиги тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни мазмун-моҳияти, мазкур Қонун нормаларининг жойларда амалга оширилиши тўғрисида, фуқароларнинг ахборот олишга бўлган конституциявий ҳуқуқини таъминлаш бўйича кўрилаётган чоралар ҳақида кенг жамоатчиликни хабардор қилиш.

Битта лойиҳа учун ажратиладиган грант миқдори — 15 млн. сўмгача.

Ҳужжатлар 2015 йил 27 апрелдан 1 июнгача қабул қилинади.

Ҳужжатлар «Ўзбекистон почтаси» орқали муҳрланган конвертда (А4 формат): Тошкент шаҳри, 100035. Бунёдкор шоҳкўчаси, 1-уйда жойлашган «**Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси ҳузуридаги ННТ ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтларини қўллаб-қувватлаш Жамоат фонди»** номига юборилиши шарт.

Танловда иштирок этиш шартлари ва танлов ҳужжатларининг намуналари билан Жамоат фондининг **www.fundngo.uz** расмий веб-сайтида танишиш мумкин.

Маълумот учун телефонлар: (0-371) 239-26-76, 239-26-64.

Халқаро экспертлар:

# «Аёллар ҳақ-ҳуқуқлари ва манфаатларини ҳимоя қилиш борасида Ўзбекистон бошқа мамлакатлар учун намуна бўлиб хизмат қилади»

(Давоми. Бошланиши 1-бетда).

Масалан, яқинда БМТнинг Нью-Йоркдаги қароргоҳида ташкилотнинг 193 аъзо мамлакати ўртасида “Аёлларнинг ижтимоий ҳимояси — Ўзбекистон касаба уюшмаларининг устуворликларидан бири” мавзуидаги ахборот материали тарқатилди.

Унда мустақиллик йилларида Ўзбекистонда аёлларнинг ҳуқуқ ҳамда манфаатларини таъминлашга алоҳида эътибор қаратилаётгани қайд этилган. Бу мамлакат аёлларининг ижтимоий-сиёсий фаоллигини, жамият ва давлат қурилишидаги вазифаларнинг ҳал қилинишида уларнинг ўрни ҳамда мақомини оширишга кўмаклашаётган муҳим ўзгаришлар давридир.

“Аёлларнинг ижтимоий, иқтисодий ва ҳуқуқий ҳимояси, уларнинг фаровонлигини ҳар томонлама яхшилаш учун муносиб шароитларни яратиш Ўзбекистон Республикаси давлат сиёсатининг устувор йўналишларидан бири ҳисобланади, — дея таъкидланган мазкур ҳужжатда. — Ушбу жараёнда мамлакат касаба уюшмалари ҳам фаол қатнашмоқда. Хусусан, Ўзбекистон Касаба уюшмалари Федерацияси Кенгаши аёлларнинг ижтимоий-иқтисодий манфаатлари ҳамда меҳнат ҳуқуқларини таъминлаш юзасидан тизимли ишларни олиб бораяпти”.

Маълум қилинганидек, шу мақсадларда Касаба уюшмалари Федерацияси ҳузурида Аёллар кенгаши тузилган, тармоқ ва ҳудудий касаба уюшмалари ташкилотларининг ҳузурида эса аёллар билан ишлаш комиссиялари фаолият кўрсатмоқда. Улар томонидан ишчи аёллар ижтимоий ҳимоясини янада кучайтириш юзасидан тизимли чора-тадбирлар амалга оширилаётир. Шу тариқа жамоа шартномалари ҳамда битимлар воситасида улар учун қўшимча имтиёз ва кафолатлар яратилмоқда. Ҳужжатда бу борадаги ишларнинг барчаси давлат, касаба уюшмаси ҳамда иш берувчиларнинг ижтимоий шериклиги асосида олиб борилаётгани алоҳида таъкидланган.

Шу билан бирга, аёлларни ижтимоий қўллаб-қувватлаш соҳасидаги мамлакатимиз тажрибаси жаҳон ҳамжамияти томонидан ҳам ўрганилмоқда. Хусусан, ушбу мавзуга доир маълумотлар Европада хавфсизлик ва ҳамкорлик ташкилотининг 57 та иштирокчи давлати ҳамда мазкур ташкилотга ҳамкорлик бўйича 11 шерик мамлакат, ЕХҲТ институтлари ва дала миссиялари, шунингдек, МДҲ Ижроия қўмитаси ҳамда МДҲга аъзо мамлакатлар ўртасида тарқатилди.

Ўзбекистоннинг аёллар ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилиш соҳасида эришаётган муваффақиятларига нисбатан жаҳон ҳамжамиятида тобора ўсиб бораётган эътибор ҳамда қизиқиш хорижий мамлакатларда бўлиб ўтаётган турли тадбирлар — брифинг, тақдимот маросимлари ва учрашувлар чоғида ҳам яққол намоён бўлмоқда. Унда иштирокчилар — гендер тенглиги масалалари билан шуғулланадиган нуфузли ташкилотлар раҳбарлари ҳамда вакиллари республикамизда давлат ва жамият ҳаётида аёлларнинг ўрни ҳамда мақомини юксалтириш бўйича олиб борилаётган ишларни ижобий баҳоламоқда.

Жумладан, **“Европа аёллари лоббиси” халқаро ташкилотининг Италия бўлими бош котиби Мария Боттарелли** аёлларнинг иш билан таъминланиши ва уларнинг жамиятдаги мақоми оширилишида касаба уюшмалари ташкилотларининг алоҳида ўрни борлигини таъкидлади. Унинг фикрича, Ўзбекистонда бу борада амалга оширилаётган ишлар аёллар имкониятларини кенгайтиришга ҳамда тенглик асосида жамиятнинг барча соҳасида улар ҳар томонлама иштирок этишига йўналтирилган “БМТ ҳаракатлари Пекин платформаси”нинг (“Platform of Action of Beijing”) муҳим қисми ҳисобланади.

— Эркаклар ва аёллар ўртасидаги маошларда фарқларни қисқартириш бўйича қабул қилинган чора-тадбирлар ҳам диққатга сазовордир, — дейди у. — Айни пайтда Европа Иттифоқининг 2010 — 2015 йилларга мўлжалланган стратегиясида айни шу мақсад кўзда тутилган. Ўзбекистон касаба уюшмалари томонидан тадбиркор аёлларнинг қўллаб-қувватланаётгани ҳам эътиборга молик. Уларга “Ишонч телефони” орқали ҳуқуқий ёрдам кўрсатилиши эса айрим бюрократик ҳолатларни бартараф этишга кўмаклашадиган муҳим восита ҳисобланади. Фаол аёллар учун яратилаётган бундай имкониятлар уларнинг шахсий ҳаётига ижобий таъсир кўрсатибгина қолмасдан, бутун жамият фаровонлигининг юксалишига ҳам кўмаклашади.

**АҚШ Аёллар ташкилотлари миллий кенгаши раиси, Аёлларни ўрганиш ва ўқитиш институти президенти Сюзан Сканлан**нинг айтишича, Ўзбекистонда аёллар ҳуқуқларининг ҳимояси бўйича қабул қилинаётган чора-тадбирлар юқори баҳога муносибдир.

— Ўзбекистон қизларнинг таълимнинг бошланғич босқичиданоқ юқори маош тўланадиган касбларга (илм-фан, технология, инженерия ҳамда бошқалар) тайёрланиши нуқтаи назаридан бошқа мамлакатлардан, шу жумладан, Америка Қўшма Штатларидан олдинда, — деб ҳисоблайди у. — Республикага сафарларим чоғида қизлар орасида бундай битирувчиларни кўп учратдим, мен уларнинг саъй-ҳаракатлари ва муваффақиятларидан қувонаман. Аёлларни ижтимоий жиҳатдан қўллаб-қувватлаш юзасидан кўрилаётган чора-тадбирлар, айниқса, қишлоқ жойларда аёллар эҳтиёжларига қаратилаётган эътибор алоҳида диққатга сазовордир. Ўзбекистонга биринчи сафарим чоғида бутун мамлакат бўйлаб ҳомиладор аёллар ҳамда ёш оналарга махсус тиббий хизмат кўрсатадиган сайёр гуруҳлар фаолияти билан танишдим. Бу усулни Америкада ҳам бемалол қўллаш мумкин.

**Россия ҳукумати ҳузуридаги Молия университетининг амалий сиёсатшунослик кафедраси доценти, сиёсий фанлар номзоди Евгения Махмутова**нинг фикрича, аёлларни қўллаб-қувватлашнинг ривожланган тизими, шубҳасиз, давлат самарадорлиги, етуклиги ҳамда мустақиллигининг кўрсаткичи ҳисобланади. Унинг айтишича, Ўзбекистон Республикасида аёлларнинг иқтисодий ва фуқаролик ҳуқуқлари таъминланиши юзасидан изчил ишлар олиб борилмоқда.

— Сайлов жараёни ижтимоий йўналтирилганлигининг муҳим тавсифи бўлган 2014 йилдаги парламент сайловлари ҳамда 2015 йилги Президент сайлови бу фикрни тасдиқлади, — деди Е. Махмутова. — Барча участкаларда она ва бола, тиббиёт хоналари жиҳозланди. Шу тариқа овоз бермоқчи бўлган аёллар “Боламни кимга қолдирсам экан?” дея ўйланиб қолишмасдан, ўзларининг сайловчи сифатидаги ҳуқуқларидан фойдаланиш имконига эга бўлдилар.

Давлат ҳамда маҳаллий бошқарув тизимида аёллар тутган ўриннинг аҳамияти ҳам кам эмас. Аёлларнинг республика сиёсий ҳаётига фаол интеграцияси, сиёсий қарорлар қабул қилинишига уларнинг таъсир кўрсатиши Ўзбекистон бошқарув тизимидаги ўзига хослик ҳисобланади.

**Фуқаролик жамияти муаммолари тадқиқот маркази (Украина) директори Виталий Кулик**нинг таъкидлашича, гендер муносабатлари бутун маданиятни, жамият қурилиши, давлат институтлари, қарор қабул қилиш усуллари ҳамда фикрлаш услубини ўзида мужассамлаштиради. Улар тилда, урф-одатларда, санъат ва ҳатто, ишлаб чиқаришда ҳам ўзининг ўчмас изини қолдиради.

В. Кулик ўтган йиллар давомида Ўзбекистонда аёлларнинг ижтимоий-сиёсий фаоллигини, жамият ҳамда давлат қурилиши вазифаларини ҳал этишда уларнинг ўрни ва мақомини ошириш юзасидан салмоқли ўзгаришлар рўй берганини таъкидлади.

— Гендер муносабатларини уйғунлаштиришга умумдемократик жараённинг ажралмас бўлаги сифатида қаралади, — дейди комил ишонч билан эксперт. — Бироқ демократлаштириш ўз-ўзидан автоматик тарзда гендер муаммоларининг ҳал қилинишига олиб келади, деб ҳисоблаш мумкин эмас. Жаҳон тажрибаси шуни кўрсатмоқдаки, бунинг учун алоҳида ҳаракат лозим. Ва бу масала бўйича Ўзбекистон бутун Марказий Осиё минтақасига намуна бўлиши мумкин. Бугунги кунда Ўзбекистон касаба уюшмалари тизимида махсус тузилма — Аёллар кенгаши, тармоқ ҳамда ҳудудий касаба уюшмалари ташкилотларининг ҳузурида эса аёллар билан ишлаш комиссиялари фаолият кўрсатмоқда. Улар томонидан ишчи аёллар ижтимоий ҳимоясини янада кучайтириш юзасидан тизимли чора-тадбирлар амалга оширилмоқда. Жумладан, жамоа шартномалари ва битимлар воситасида улар учун қўшимча имтиёз ҳамда кафолатлар яратилган. Бундай тажриба ҳатто Европа қонунчилигида ҳам мавжуд эмас.

Экспертнинг айтишича, Ўзбекистонда юқори даражадаги бандликни таъминлашга, ишлайдиган аёлларнинг даромадларини оширишга йўналтирилган самарали гендер сиёсати ишлаб чиқилган ва у ҳаётга татбиқ этилмоқда, касб-ҳунар коллежлари ҳамда олий ўқув юртларининг битирувчи қизлари бандлиги таъминланишига кўмаклашиш амалга оширилмоқда. “Аёлларнинг ҳуқуқ ва эркинликлари таъминланиши, уларнинг фаровонлиги ҳамда ижтимоий ҳимояси яхшиланиши бўйича мажмуавий чора-тадбирларнинг амалга оширилиши бўйича Ўзбекистон тажрибаси Марказий Осиё давлатлари учун давлат гендер сиёсатининг модели бўлиши мумкин, айрим масалаларда эса у жинслар тенг ҳуқуқлилиги таъминланишидаги Европа тажрибасини ҳам бойитади”, деб ҳисоблайди В. Кулик.

**Деҳли университети (Ҳиндистон) Индрапрастха хотин-қизлар коллежи тарих кафедраси доценти Минакши Кханна хоним** мустақиллик йилларида Ўзбекистонда аёлларнинг ижтимоий-сиёсий ҳолати сезиларли даражада ўсганини эътироф этди.

— Бугунги кунда улар мамлакатнинг ижтимоий-сиёсий, ижтимоий-иқтисодий ва маданий ҳаётида муҳим ўрин тутмоқда, — деди у. — Республикада аёлларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлашга қаратилаётган эътибор, уларнинг ижтимоий-сиёсий фаоллигини юксалтириш юзасидан амалга оширилаётган чора-тадбирлар юқори баҳога лойиқдир. Сиёсий партиялар ҳокимиятнинг қонун чиқарувчи ҳамда вакиллик органларига номзодлар умумий сонидан камида 30 фоизи миқдорида аёлларнинг номзодларини кўрсатишлари лозимлиги қонун билан мустаҳкамлаб қўйилгани менда катта таассурот қолдирган. Шу ўринда Ўзбекистон касаба уюшмалари ташкилотлари аёлларнинг ижтимоий-иқтисодий манфаатлари ва меҳнат ҳуқуқларини таъминлаш жараёнида фаол иштирок этаётганини ҳам таъкидлашни истар эдим.

Ўзбекистон Республикасида аёлларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш, уларнинг бандлигини таъминлаш ва соғлиғини мустаҳкамлаш бўйича ҳаётга татбиқ қилинаётган чора-тадбирлар хорижий оммавий ахборот воситаларида ҳам кенг ёритилмоқда.

Масалан, яқинда **Буюк Британияда нашр қилинадиган “Pulse UK” газетаси** ўз саҳифасида ушбу мавзуга бағишланган мақолани чоп этди. Унда қайд этилганидек, Ўзбекистонда аёлларга энг фахрли ўрин берилган. Аёлларнинг уйғун ривожланиши, уларнинг катта ижодий ва маънавий салоҳиятини амалда татбиқ этиш учун барча шарт-шароит яратилган. Нашр 2014 йилда республиканинг барча ҳудудида аёллар учун 468 минг 175 та янги иш ўрни яратилганини муштарийлари эътиборига ҳавола қилган. Бутун мамлакат бўйича намунали лойиҳалар асосида замонавий уйлар, маиший хизмат кўрсатиш шохобчалари, гўзаллик салонлари, тиббий, соғломлаштириш муассасалари ҳамда спорт мажмуалари қурилаётгани ва фойдаланишга топширилаётгани аёллар турмушини енгиллаштиргани баробарида улар учун янада катта қулайликларни яратмоқда.

Хитойнинг **“Дунфан Цзабао” (“Шарқ тонги”) газетаси** ҳам ўз ўқувчиларини Ўзбекистонда аёлларнинг меҳнат ҳуқуқларини ҳимоя қилиш, улар учун муносиб меҳнат шароити яратиш бўйича олиб борилаётган ишлар билан таништирди.

“Бугунги кунда жамоа шартномалари ва битимларига аёлларнинг ижтимоий ҳимояси сифати ҳамда самарадорлигини ошириш бўйича тизимли чора-тадбирларни ўз ичига олган махсус бўлим киритилган, — дея ёзилади газетада. — Шу тариқа аёлларнинг мақбул даражадаги бандлиги, ишлайдиган аёлларнинг даромадларини ошириш таъминланмоқда, касб-ҳунар коллежлари ва олий ўқув юртлари битирувчиларини иш билан таъминлашга кўмак кўрсатилмоқда. Корхона ва ташкилотларда 2 яшардан 3 ёшгача болалари бўлган ёш оналарга жамоа шартномалари асосида моддий ёрдам ҳам берилаяпти. Нодавлат жабҳасидаги корхоналарда меҳнат қиладиган оналар учун иш ҳақи сақланган ҳолда, ҳафтасига 35 соатдан ошмайдиган иш вақти белгиланган. Икки яшаргача болалари бўлган ишчи аёллар болани овқатлантириш учун бериладиган танаффуслардан фойдаланишади, бу танаффус иш вақтига киритилган бўлиб, ўртача ойлик иш ҳақи ҳисоби бўйича маош тўланади”.

**“Diplomacy India” (Ҳиндистон) электрон портали**да эълон қилинган мақолада эса аёллар бандлигини таъминлашда касаначиликка ҳамда хусусий тадбиркорликка алоҳида эътибор қаратилаётгани таъкидланади. “Оилавий бизнесни ташкил этиш, аёлларнинг ҳуқуқий, тадбиркорлик соҳасидаги билимлари ҳамда кўникмаларини ошириш мақсадларида давра суҳбатлари ва семинарлар ўтказилмоқда. Уларда мутахассислар томонидан аёллар тадбиркорлигини қандай ривожлантириш, бизнес-режа тузиш, ҳужжат юритиш, солиқ имтиёзлари, кредит олиш сингари саволлар юзасидан маслаҳат ҳамда тавсиялар берилаяпти. Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик соҳасида эндигина иш бошлаётган аёллар учун бепул юридик маслаҳатлар тизими йўлга қўйилган”, дея ёзилади “Diplomacy India” электрон порталида.

Бундан ташқари, мақолада аёллар тадбиркорлигини ривожлантириш учун ажратилаётган кредитлар ҳажми йил сайин ўсиб бораётгани ҳам қайд этилган. Хусусан, 2014 йили тадбиркор аёллар учун салкам бир триллион сўм миқдорида кредитлар ажратилгани ҳолда, 2013 йилдагига нисбатан 1,4 баробар ўсиш таъминланди. Саноат, қишлоқ хўжалиги ва хизмат кўрсатиш соҳаларига йўналтирилган кредитлар ҳисобидан минглаб аёллар ўз бизнесини йўлга қўйиб, оиласи ҳаёт даражасини ошириш имконига эга бўлди.

“Имтиёзли кредитлар ажратилишида республика тижорат банклари қишлоқ жойларда аёллар бошқараётган, уларнинг меҳнатидан фойдаланилаётган кичик корхоналарни ривожлантириш, қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини етиштириш ҳамда қайта ишлашни рағбатлантириш, касаначилик ва янги иш ўринларини яратишга қаратилган қишлоқ кичик корхоналарини ривожлантириш бўйича лойиҳаларни қўллаб-қувватлашга алоҳида эътибор қаратмоқда. Жорий йилда ҳам бу йўналишларга бир триллион сўмдан зиёд кредитлар ажратилиши кўзда тутилган”, дея ёзилади “Diplomacy India” электрон портали эълон қилган мақолада.

Ўз навбатида, **Кувайтда чоп этиладиган “Times Kuwait” газетаси** ҳам Ўзбекистонда аёллар саломатлигини муҳофазалашга алоҳида эътибор берилаётганини юқори баҳолайди.

“Мамлакатда дунёда биринчилардан бўлиб аёлларни поливитаминлар билан таъминлаш амалиёти жорий қилинган, — дея маълумот берилади нашрда. — Натижада шифобахш поливитаминлар истеъмол қилган оналар ва улардан дунёга келаётган фарзандларнинг саломатлиги кўрсаткичи яхшиланиб, ирсий ва бошқа хасталиклар камайиб бормоқда. Бирламчи тиббий-профилактика муассасаларида аҳолининг, жумладан, фертиль ёшидаги аёллар, болалар ҳамда ўсмирларнинг саломатлигини янада яхшилаш ва касалликларнинг олдини олиш мақсадида чуқурлаштирилган тиббий кўриклар анъанавий тарзда ўтказилмоқда. 2014 йили “Соғлом она — соғлом бола” лойиҳаси доирасида ташкиллаштирилган ана шундай тадбирларда 13 миллион 600 минг нафардан кўпроқ аёл ҳамда бола қамраб олиниб, зарур ҳолларда уларга тегишли тиббий ёрдам кўрсатилди”.

Шундай қилиб, олий маълумотли мутахассис, бунёдкор ва ижодкор бўлган бугунги Ўзбекистон хотин-қизлари ўзининг меҳнаткашлиги, иқтидори ҳамда салоҳияти билан улкан натижаларга эришмоқда. Айни пайтда улар оила ва жамиятимизда тинчлик, тотувлик, фаровонлик ҳамда ҳамжиҳатликни таъминлашдек масъулиятли вазифаларни ўзининг нозик елкасида кўтариб келаяпти.

Давлат томонидан хотин-қизларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш, уларнинг истеъдод ҳамда интилишларини юзага чиқариш учун барча шарт-шароитни яратиш борасида изчил ишлар олиб борилмоқда. Бу йўналишдаги ислоҳотлар самаралари эса халқаро ҳамжамият томонидан юқори баҳолангани ҳолда, Ўзбекистон — аёллар алоҳида эъзоз ва ҳурмат топган мамлакат сифатида ном қозонди.

**«Жаҳон» АА.**

ЖАСОРАТ, БУРЧ, МАТОНАТ

# Юбилей медаллари топширилди

*Юртимизнинг барча жойларида бўлгани каби Хоразм вилоятида ҳам Президентимизнинг 2015 йил 19 февралдаги “Ўзбекистон Республикаси фуқаролари — 1941 — 1945 йиллардаги уруш ва меҳнат фронти фахрийларини “Иккинчи жаҳон урушидаги Ғалабанинг 70 йиллиги” эсдалик юбилей медали билан мукофотлаш тўғрисида”ги ҳамда шу йил 6 мартдаги “1941 — 1945 йиллардаги уруш қатнашчиларини рағбатлантириш тўғрисида”ги фармонларига мувофиқ, уруш ва меҳнат фронти фахрийлари моддий ҳамда маънавий жиҳатдан қўллаб-қувватланмоқда.*

Вилоят ҳокимлиги, мудофаа ишлари бошқармаси, “Нуроний” жамғармаси вилоят бўлими, “Камолот” ЁИҲ вилоят кенгаши, маҳалла фуқаролар йиғинлари вакиллари фахрийларнинг хонадонларида бўлиб, уларни 9 май — Хотира ва Қадрлаш куни ҳамда Иккинчи жаҳон урушидаги Ғалабанинг 70 йиллиги билан муборакбод этишмоқда.

Хусусан, Урганч шаҳрида истиқомат қилувчи Мадраҳим ота Аллаберганов ҳамда Атамурод ота Саидовга “Иккинчи жаҳон урушидаги Ғалабанинг 70 йиллиги” эсдалик юбилей медали ҳамда пул мукофоти тантанали равишда топширилди.

— Бизга кўрсатилаётган юксак эътибор ва ғамхўрликдан жуда хурсандмиз, — дейди Боғот туманидаги Қулан Қарабоғ қишлоғилик 91 ёшли Самандар ота Жумабоев. — Давлат ва жамоат ташкилотлари вакиллари, қўни-қўшнилар ҳамда маҳалладошлар уйимизга ташриф буюрганида, ҳовлимизда ҳақиқий байрам бўлиб кетди. Қариган чоғимизда шундай иззат-икром кўрсатаётган халқимизга, Президентимизга мингдан-минг раҳмат. Буларнинг барчаси истиқлол шарофатидандир.

**Ойбек РАҲИМОВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**

# Инсон қадри улуғ, хотираси абадий

(Давоми. Бошланиши 1-бетда).

Президентимизнинг жорий йил 19 февралдаги “Ўзбекистон Республикаси фуқаролари — 1941 — 1945 йиллардаги уруш ва меҳнат фронти фахрийларини “Иккинчи жаҳон урушидаги Ғалабанинг 70 йиллиги” эсдалик юбилей медали билан мукофотлаш тўғрисида”ги Фармони кекса авлод вакилларига кўрсатилаётган улкан ғамхўрликнинг яна бир амалий ифодаси бўлди. Мазкур ҳужжат асосида Хотира ва Қадрлаш куни олдидан уруш ва меҳнат фронти фахрийларига эсдалик юбилей медаллари тантанали равишда топширилмоқда.

— Дунёда байрамлар кўп, маросимлар бисёр, аммо инсон қадрини эъзозлайдиган шодиёна ҳамма жойда ҳам йўқ, — дейди Шайхонтоҳур туманининг “Қоратош” маҳалласида яшовчи уруш ва меҳнат фахрийси Носир ота Алиев. — Шукрки, мамлакатимизда ҳаётга татбиқ этилаётган ислоҳотлар инсон ва унинг манфаатига қаратилган. Зеро, умр бир марта берилади. Ана шу умр давомида одамзод яхши яшашга, ҳаётдан завқланишга, қадрланишга ҳақлидир. Не бахтки, бундай шараф истиқлол туфайли бизга насиб этди. Тўқсон бир ёшга кирдим, кўп нарсани кўрдим. Турли бало-қазолардан омон қолдим. Ўтмишнинг машаққатларини эсласам, бугунги фаровон турмушимизга кўз тегмасин, дейман.

Халқимизга хос хислатлар ҳақида сўз кетганда, аввало, меҳр-оқибат, хайру саховат, қадр-қиммат каби фазилатлар тилга олинади. Бу бежиз эмас. Бинобарин, биз азал-азалдан бир-биримизга ғамхўрлик кўрсатишда, айниқса, кексаларни эъзозлашда бошқаларга ибрат бўлганмиз. Бу борада амалга оширилаётган ишларнинг кўлами бекиёс. Шу маънода, ёши улуғларни эъзозлаш давлатимизнинг асосий вазифаларидан бирига айланган. Умрини эл-юртга хизмат қилишга бағишлаган тошкентлик Сара момо Ўрозаева бу ҳақда шундай дейди:

— Ҳаёт ҳақиқати шундай бўлса керак: инсон ёши ўтиб, кексайган сари ён-атрофдагилардан ширин сўз, меҳру эътибор кутадиган бўлиб қолади. Мана, менинг ёшим ҳам саксондан ошаяпти. Маҳалламиздаги тенгқурларим билан кўришганда, мустақиллик даврига етганимиздан фахрланиб гапирамиз. Чунки кексаларни эъзозлаб, барча шарт-шароитни яратиб бериш ҳар қандай юртда ҳам мавжуд эмас. Буни кўриб, билиб, турибмиз.

Инсон ҳаёт экан, ўз умридан, ўтаётган кунларидан шукуҳ ҳис этиб яшаши керак. Биз, кексалар ҳамиша ардоқдамиз. Маҳалламизда биров тўй-маърака қилмоқчи бўлса, мени чақиришади, ҳаёт тажрибаларимдан келиб чиқиб, йўл-йўриқ кўрсатаман. Айтмоқчиманки, қадрим кишиларнинг эътибори туфайли баланд экан, нима учун мен ўзимни жамоатчилик ишидан тийишим керак? Аксинча, бугун менинг фикру зикрим одамларга, шу йўл билан Ватанга хизмат қилишга қаратилган.

Президентимизнинг жойларга қилган сафарларини қолдирмай кузатиб бораман. Юртбошимизнинг, айниқса, қаерга борсалар, оддий ишчилар билан ҳам дилдан суҳбатлашганларини кўриб, ниҳоятда ҳаяжонланиб кетаман. Беихтиёр ўзим ишлаган йилларни эслайман. Эртадан-кечгача жонимизни жабборга бериб меҳнат қилсак-да, бизнинг ҳолимиздан ҳеч ким хабар олмаган. Бугун эса қадр топдик, эҳтиром оғушидамиз. 2015 йилни “Кексаларни



эъзозлаш йили” деб номлаб, ёшу қари демай, ёлғиз демай, ҳаммага бирдек ғамхўрлик қилаётган давлатимиз раҳбари омон бўлсинлар!

Маълумки, урушдан олдин Ўзбекистонда 6,5 миллион аҳоли яшаган. Шундан 1,5 миллионга яқин одам урушда қатнашган. Ўша вақтда юртимиз аҳолисининг ярмини болалар ва кексалар ташкил этган. Бу шуни кўрсатадики, қурол кўтаришга қодир бўлган юртдошларимизнинг тахминан 70-80 фоизи бу бешафқат урушда бевосита иштирок этган.

Шу маънода, ушбу санани нишонлар эканмиз, бу куннинг юртимизда “Хотира ва Қадрлаш куни” деб эълон қилинганлиги нақадар чуқур ўйланганини, унинг теран маъно ҳамда мазмунга эга эканини ҳаётнинг ўзи бот-бот тасдиқламоқда. Давлатимиз раҳбари айтганларидек, “Хотира, хотирлаш ҳақида гапирар эканмиз, бу тушунчани қадрлаш тушунчасидан ажратиб бўлмайди. Ҳақиқатан ҳам, бу ёруғ кунларга нима ҳисобидан эришганимизни, бу йўлда қандай оғир курашлар, азоб-уқубат ва йўқотишлар бўлганини, қанчадан-қанча одамлар уруш майдонларида азиз жонини қурбон қилганини англамасак, тушунмасак, бугунги кунимизни, мусаффо осмонимизни, тинч ва осуда ҳаётимизни англаш, унинг қадрига етиш қийин бўлади.

Айнан шунинг учун ҳам, ҳозирги пайтда орамизда, сафимизда соғ-саломат, бардам яшаётган, бугунги ҳаётимизга ўзининг муносиб ҳиссасини қўшаётган уруш қатнашчиларини, муҳтарам ҳамда азиз фахрийларимизни қадрлаш ва эъзозлаш, уларга ҳар томонлама ҳурматимизни билдириш барчамиз учун ҳам қарз, ҳам фарз эканини, ўйлайманки, ҳаммамиз яхши тушунамиз”.

Зеро, юртимизда истиқомат қилаётган ҳар бир киши, айниқса, ёш авлод мана шу байрам тимсолида Кексаларни қадрлаш, саховатга муҳтож кишиларга кўмаклашиш каби юксак фазилатларни қалбига сингдирмоқда.

**Мақсуд ЖОНИХОНОВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**

# Бебаҳо неъмат

*Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги Ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш бош бошқармаси томонидан Профилактика инспекторларининг давлат ва нодавлат ташкилотлари ҳамда жамоатчилик вакиллари билан ўзаро ҳамкорлиги масалаларига бағишланган матбуот анжумани ўтказилди.*

АНЖУМАН

Қайд этилганидек, бугунги кунда юртимиздаги мавжуд фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларида ижтимоий-маънавий муҳит барқарорлигига эришиш, аҳоли хавфсизлиги ва осойишталигини таъминлаш, ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш, шунга мойил бўлган шахсларни аниқлаб, улар билан ишлашда профилактика инспекторларининг давлат ва нодавлат ташкилотлари билан ҳамкорлиги юқори самара бермоқда. Айниқса, фуқаролар йиғинлари раислари ва маҳаллалар ҳузурида ташкил этилган фаолият йўналишлари бўйича комиссияларнинг аъзолари, фуқаролар йиғинларининг диний маърифат ва маънавий-ахлоқий тарбия масалалари бўйича маслаҳатчилари, Хотин-қизлар қўмитаси бошланғич ташкилотлари вакиллари, маҳалла посбонлари, “Камолот” ЁИҲ бошланғич ташкилотлари аъзоларининг биргаликдаги саъй-ҳаракати туфайли юртимиз тинчлиги ва осойишталиги таъминлаб келинаётир.

Ҳар бир профилактика инспектори маҳалла раислари билан ҳамкорликда оилалардаги ижтимоий-моддий аҳволни атрофлича ўрганмоқда. Шу орқали ижтимоий ҳимояга муҳтож оилалар аниқланиб, уларга турли моддий ёрдамлар кўрсатилаяпти.

Ҳамкорликда амалга ошириб келинаётган кенг кўламли профилактик тадбирлар натижасида ўтган йили мамлакатимиздаги 5 минг 688 та маҳаллада жиноятлар содир этилмагани қайд этилди.

**Зокир ХУДОЙШУКУРОВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**

Ғафур Ғулом номидаги нашриёт-матбаа ижодий уйи жамоаси директор ўринбосари Ўткуржон Қосимович Мирҳабибовга волидаи муҳтарамаси
**Хадича ая СОДИҚОВАнинг**
вафоти муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.

Ўзбекистон давлат санъат ва маданият институти ректорати ҳамда жамоаси Жисмоний маданият кафедраси мудири Диларам Мамировага волидаи муҳтарамаси
**МАРҲАМАТ аянинг**
вафоти муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.

Тошкент автомобиль-йўллар институти жамоаси Автомобиллар ва ихтисослашган транспорт воситалари кафедраси доценти, меҳнат фахрийси
**Йўлчи МАҲКАМОВнинг**
вафоти муносабати билан марҳумнинг оила аъзолари ва яқинларига чуқур таъзия изҳор этади.

*Давлатимиз раҳбари Ўзбекистон Республикаси Президенти лавозимига киришиш тантанали маросимига бағишланган Олий Мажлис палаталарининг қўшма мажлисидаги нутқида Ўзбекистон иқтисодиётининг барқарор ўсиш суръатларини таъминлашга эришилаётганини алоҳида қайд этди. “Бундай ютуқларнинг сабабларини биз аввало мард ва матонатли, кўпни кўрган халқимизнинг, одамларимизнинг дунёқараши, сиёсий онги ва савияси тобора юксалиб бораётганида кўрамиз. Ва энг муҳими, бунинг сабаби бугунги кунда ҳал қилувчи куч бўлиб майдонга чиқаётган, замонавий билим ва касб-ҳунарларни пухта эгаллаган, мустақил ва янгича фикрлайдиган, Ватанимизнинг эртанги куни учун масъулиятни ўз зиммасига олишга қодир бўлган навқирон ёшларимизни биз ўзимизнинг ишончимиз, таянчимиз ва суянчимиз деб билганимиздадир”, дея таъкидлади Юртбошимиз.*

*Дарҳақиқат, одамларимиз қалбида шу азиз Ватанимиз тақдирига дахлдорлик туйғуси мустаҳкам экани уларни бир тану бир жон бўлиб, юрт равнақига муносиб ҳисса қўшишдек эзгу ишларга ундамоқда. Ушбу жараёнда истиқлол фарзандларининг фаоллиги, ташаббускорлиги барчамизни бирдек қувонтиради, албатта.*

*Айтиш жоизки, “Асака” давлат-акциядорлик тижорат банки томонидан ҳам ана шундай интилувчан йигит-қизларни, хусусан, тадбиркорлик билан шуғулланиб, иқтисодиётимизни янада ривожлантиришга ўз улушини қўшиш истагидаги навқирон авлод вакилларини молиявий жиҳатдан қўллаб-қувватлаш, бизнес ғояларини ҳаётга татбиқ этишга кўмаклашиш борасида бир қанча ишлар амалга оширилмоқда.*

*Президентимизнинг 2010 йил 28 июлдаги “Таълим муассасаларининг битирувчиларини тадбиркорлик фаолиятига жалб этиш борасидаги қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги Фармони ижросини таъминлаш мақсадида ёшларнинг, авваламбор, таълим муассасалари битирувчиларининг ҳуқуқ ҳамда манфаатларини ҳимоя қилиш, уларнинг интилишларини қўллаб-қувватлаш мақсадида ташкил этилаётган тадбирларда банк мутахассислари тегишли мутасадди ташкилотлар билан биргаликда иштирок этаётир. Жумладан, Ўзбекистон Республикаси Марказий банки, Савдо-саноат палатаси, “Камолот” ёшлар ижтимоий ҳаракати ҳамда бошқа бир қатор ташкилот ва идоралар ҳамкорлигида анъанавий тарзда ўтказиб келинаётган “Ёш тадбиркор — юртга мададкор”, “Менинг бизнес ғоям”, “Ватаним тараққиётига — менинг ҳиссам” каби кўплаб лойиҳаларда фаол қатнашмоқда.*

*Аҳамиятлиси, бундай тадбирлар орқали ёш тадбиркорлар, шунингдек, таълим муассасалари битирувчиларининг истиқболли лойиҳалари танлаб олиниб, банк томонидан имтиёзли шартларда молиялаштирилаяпти. Масалан, ўтган йили битирувчиларга жами 8,8 млрд. сўм миқдорида кредитлар ажратилган бўлса, жорий йилнинг дастлабки чорагида ушбу мақсадлар учун қарийб 1,4 млрд. сўм миқдорида маблағ йўналтирилди. Натижада кўплаб ёшлар доимий иш ўрнига эга бўлди.*

*Шу йилнинг март ойида пойтахтимиздаги “Кўргазма савдо маркази” мажмуасида Ўзбекистон Республикаси Марказий банки, Олий Мажлис Қонунчилик палатасининг Бюджет ва иқтисодий ислоҳотлар, Ахборот ва коммуникация технологиялари масалалари қўмиталари, Ўзбекистон Банклари ассоциацияси каби бир қатор ташкилотлар ҳамкорлигида “Банк хизматлари, ускуналари ва технологиялари — “BankExpo — 2015” VIII миллий кўргазмасининг республика босқичи ўтказилди. Мазкур нуфузли тадбирда “Асака” банки томонидан ўз ишини бошлаган ва фаолиятини ривожлантириш мақсадида бўлган ёш тадбиркорларга имтиёзли кредит олиш ҳуқуқини берувчи сертификатлар топширилди. Хусусан, “Agrofirma Temur Barakat”, “Global Milk Productions”, “Исмоилжон Дилдорахон”, “Сарман-Сурхон-Файзи”, “Мирзаматов Тоҳиржон Спорт Сервис”, “Дилрабо хизмат”, “Sulton Temurbek Yagona” хусусий корхоналари, “Бандбоши Парранда”, “Оҳалик парранда”, “Multi-Plast” масъулияти чекланган жамиятларига ана шундай сертификатлар тақдим қилинди.*

*Кўргазмада, шунингдек, “Асака” банки “Аёллар тадбиркорлигини қўллаб-қувватловчи энг яхши банк” номинацияси ғолиби, деб топилгани ҳам эътиборга лойиқ.*

*“Асака” банки жамоаси жорий йилда ушбу йўналишдаги ишларини янада фаоллаштириб, ёш тадбиркорлар, айниқса, таълим муассасалари битирувчиларининг истиқболли лойиҳаларини молиялаштиришни ўз олдига мақсад қилиб қўйган.*

*Қуйида ана шундай имкониятлардан унумли фойдаланиб, ўз бизнесини муваффақиятли йўлга қўйиб олган тадбиркорлардан айримларининг дил сўзларини келтириб ўтамиз.*

ASAKA BANK

# ЁШЛАР — ИШОНЧИМИЗ, ТАЯНЧИМИЗ ВА СУЯНЧИМИЗ

**Тимур РЎЗИМОВ,**
**Беруний туманидаги “Agrofirma Temur Barakat” хусусий корхонаси раҳбари:**

— Мамлакатимизда биз, ёшларга жуда катта имконият ва шарт-шароитлар яратиб берилмоқда. Бундан руҳланган ҳолда, мен тадбиркорликка қўл уриб, ўз иқтидоримни шу соҳада кўрсатишга аҳд қилдим.

Беруний туманидаги енгил саноат касб-ҳунар коллежини тамомлаганман. Билимим бор, ўзимга бўлган ишончим кучли. Бизнес лойиҳа ҳақида ўйлаганда менда, аввало, ҳудудимиз аҳолисининг сархил меваларга бўлган эҳтиёжини таъминлашга қаратилган ғояни рўёбга чиқариш таклифи туғилди. Бунинг учун молиявий кўмак зарур эди, албатта. Шу мақсадда “Асака” банки ходимларига бизнес-режамни тақдим этдим. Улар таклифимни ўрганиб чиқиб, маъқуллашди. Бундан беҳад қувондим. Банк мутахассислари маслаҳатларидан сўнг кредит олиш учун керак бўладиган ҳужжатларни топширдим. Қисқа вақт ичида белгиланган маблағ ажратилгач, ҳудудимизда боғдорчиликни йўлга қўйдим. Бешта иш ўрни яратилди.

Тадбиркорлик шундай бир соҳаки, доимо янгиликка интилиш, изланиш талаб этилади. Фақат боғдорчиликнинг ўзи билан кифояланиб қолишни истамадик. Бундан буёғига қорамолчиликни ҳам ривожлантириш орқали фаолиятимизни янада кенгайтиришни мақсад қилдик. Бу борада ишлаб чиққан бизнес лойиҳамиз учун “Асака” банки томонидан имтиёзли кредит олиш ҳуқуқини берувчи сертификат билан тақдирландик. Ушбу режанинг рўёбга чиқиши аҳолини гўшт ва сут маҳсулотлари билан таъминлаш, яна бешта янги иш ўрни ташкил этиш имконини беради.

Корхонамиз “Асака” банки мижози бўлганидан бениҳоя мамнунмиз. Қолаверса, мамлакатимизда аҳоли турмуш фаровонлигини ошириш йўлида олиб борилаётган улкан ишларга камтарона меҳнатимиз билан, оз бўлса-да, ҳисса қўшаётганимиздан фахрланамиз.



**Наргиза НАВРЎЗОВА,**
**Қоракўл туманидаги “Бандбоши парранда” масъулияти чекланган жамияти раҳбари:**

— Истиқлол йилларида хотин-қизларнинг жамиятдаги мавқеини ошириш, саломатлигини мустаҳкамлаш, ҳуқуқ ҳамда манфаатларини таъминлаш масаласига давлатимиз сиёсатининг энг муҳим устувор йўналишларидан бири сифатида эътибор қаратиб келинмоқда. Бундай юксак ғамхўрликка жавобан аёлларимиз турли соҳаларда фидокорона меҳнат қилиб, юртимиз равнақига муносиб ҳисса қўшишаяпти. Жумладан, тадбиркорликда ўз салоҳиятларини намоён этишмоқда.

Маълумки, бозорларимиздаги файзу барака, озиқ-овқат маҳсулотларининг мўл-кўллиги ва арзонлиги фаровонлик кўрсаткичларидан бири саналади. Шу боис мен ҳам тадбиркорликка оид бизнес лойиҳа тузишда паррандачиликни ривожлантириш, аҳолига тухум ҳамда парҳез гўшт етказиб беришни ўзим учун мақсад сифатида белгилаб олдим.

Бошланғич сармоя масаласидаги мурожаатим “Асака” банки томонидан ижобий ҳал этилди. Биз тақдим қилган бизнес лойиҳа истиқболли деб топилиб, имтиёзли кредит олиш ҳуқуқини берувчи сертификатга эга бўлдик. Мазкур лойиҳани амалга ошириш натижасида ўнга яқин янги иш ўрни яратилиши кўзда тутилган.



**Ҳабибулло ЖИЯНБОЕВ,**
**ёш тадбиркор (Гулистон тумани):**

— Мустаҳкам моддий пойдевор ишбилармонлик фаолиятининг гарови ва асоси эканлигини коллежда ўқиб юрган пайтимдаёқ англаб етганман. Илгари тадбиркор бўлиш учун жуда узоқ вақт керак, деган фикрда эдим. Аммо ўқишни битираётган пайтимизда “Асака” банки вакилларининг таълим даргоҳимизга келиб, тадбиркорликка қўл урмоқчи бўлганларга кредит маблағи таклиф этгани бу борадаги фикрларимни ўзгартириб юборди.

Ҳозир 20 ёшдаман. 2014 йили коллежни тамомлаган бўлсам, ўшандаёқ ишбилармонликка киришганман. Бунда “Асака” банкининг кредити қўл келди. Фаолият йўналишим — чорвачилик. Туманимиз бозорларини гўшт ва сут маҳсулотлари билан таъминлашга ҳисса қўшаяпмиз. Маҳсулотларимиз харидорларга манзур бўлаётганидан мамнунмиз.

Айтиш жоизки, юртимизда тадбиркорликка кенг йўл очиб берилгани иқтисодиётимиз ривожида муҳим аҳамият касб этмоқда. Натижада халқимиз турмуш фаровонлигини оширишга қаратилган беқиёс ишлар қилинаяпти. Жумладан, шаҳару қишлоқларимизда бири-биридан кўркам уй-жойлар, ижтимоий инфратузилма объектлари, таълим даргоҳлари, спорт мажмуалари, йўллар, кўприклар қурилмоқда. Бундай эзгу саъй-ҳаракатларга барча ёш тадбиркорлар қаторида мен ҳам камтарона меҳнатим билан улуш қўшаётганимдан ғурурланаман.

“Асака” банкидек ишончли молиявий ҳамкоримиз бор экан, биз, албатта, бизнесда янгидан-янги ташаббусларни илгари суришга интилаверамиз.

**Гулчеҳра КАРИМОВА,**
**Андижон шаҳридаги “Матонат” масъулияти чекланган жамияти раҳбари:**

— “Асака” банки томонидан аёллар тадбиркорлигини қўллаб-қувватлашга муҳим вазифалардан бири сифатида эътибор қаратилаётгани туфайли биз ҳам ушбу молия муассасаси кўмагида фаолиятимизни ривожлантириб бораяпмиз.

Корхонамиз ўсмирлар ва болалар кийимлари ҳамда курткалари ишлаб чиқаришга ихтисослаштирилган. Маҳсулотларимизни республикамиздаги таълим муассасаларига етказиб бермоқдамиз. Сифати харидорларга маъқул тушаётир.

Ўз маблағимиз ҳамда “Асака” банки кредити ҳисобидан фаолият кўламимизни кенгайтириб бораяпмиз, шунга яраша сифат масаласи ҳам доимий диққат-эътиборимизда. Айтайлик, ишлаб чиқариш суръатини ошириш орқали ўнта иш ўрни яратдик. Унга шаҳримиз ёшлари, шу жумладан, касб-ҳунар коллежининг саккиз нафар битирувчисини жалб қилдик.

Келгусида ҳам “Асака” банкининг молиявий ёрдами билан истиқболли лойиҳаларни амалга ошириш ниятидамиз.

**Фарҳод РАҲМАТОВ,**
**Самарқанд шаҳридаги “Gulobod mebel” масъулияти чекланган жамияти раҳбари:**

— Ички ва ташқи бозор талабидан келиб чиқиб, рақобатбардош мебель жиҳозлари ишлаб чиқаришни йўлга қўйишимизда тадбиркорлик ҳаракати учун қулай муҳит яратиб берилгани, бу соҳага кўплаб имтиёзлар татбиқ қилинаётгани айни муддао бўлмоқда. Хусусан, бизнес лойиҳаларимизни амалга оширишда “Асака” банки молиявий жиҳатдан қўллаб келаётир.

Маълумки, бозор иқтисодиёти шароитида истеъмолчиларнинг талаби ҳал қилувчи аҳамиятга эга. Корхонамизда ҳам харидорларнинг истаклари асосида янги турдаги мебель маҳсулотлари тайёрлашга эътибор қаратилаяпти. Шундай лойиҳани амалга ошириш ниятида “Асака” банкига кредит сўраб мурожаат қилган эдик. Бу масала қисқа муддатда кўриб чиқилиб, ижобий ҳал этилганидан хурсандмиз. Негаки, Президентимизнинг 2009 йил 28 январдаги “Маҳаллий ноозиқ-овқат истеъмол товарлари ишлаб чиқариш кенгайтирилишини рағбатлантириш борасидаги қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги қарорига мувофиқ, имтиёзли шартларда узоқ муддатли кредит ажратилди. Натижада маҳаллий хом ашё асосида қўшимча 12 турдаги сифатли, арзон ва замонавий мебель жиҳозлари тайёрлана бошланди. Бешта иш ўрни яратилиб, уларга касб-ҳунар коллежи битирувчилари жалб қилинди.

Молиявий ҳамкоримиз бўлган “Асака” банкидан мамнунмиз. Ишонамизки, унинг кўмаги корхонамизда ишлаб чиқариш кўламини ошириб, мебелсозлик саноати ривожига муносиб ҳисса қўшишдек эзгу ниятларимиз рўёбига хизмат қилади.

**Мафтуна МЕЙЛИЕВА,**
**Яккабоғ туманидаги “Етимтоғ кўрки” масъулияти чекланган жамияти раҳбари:**

— “Асака” банки билан молиявий ҳамкорликни йўлга қўйганимизда, кўзлаган режаларимиз бу қадар тез амалга ошишига ишонмаган эдик. Очиғи, бир оз шошиб ҳам қолдик. Сабаби, кредит учун банкка берилган бизнес-режа орадан ҳеч вақт ўтмасданоқ, қаноатлантирилди.

Банкнинг молиявий ёрдами ҳисобига замонавий ускуналар сотиб олдик ва сифатли қурилиш маҳсулотлари ишлаб чиқаришни ўзлаштирдик. Корхонамиз томонидан тайёрланаётган қурилиш маҳсулотлари сифатлилиги туфайли истеъмолчиларга манзур бўлаяпти. Ташкил этилган иш ўринларига Яккабоғ туманидаги касб-ҳунар коллежи битирувчиларини қабул қилдик.

Биз мамлакатимизда тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш борасида олиб борилаётган оқилона сиёсатга ўз ҳиссасини қўшаётган “Асака” банки фаолиятидан беҳад миннатдормиз. Келгусида мазкур молия муассасаси билан ҳамкорликни изчил давом эттириш — пировард мақсадимиз.

**Банк материаллари асосида Ш. ОРТИҚОВ тайёрлади.**

*Хизматлар лицензияланган.*


NBU

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ТАШҚИ ИҚТИСОДИЙ ФАОЛИЯТ МИЛЛИЙ БАНКИ**

**9 май — Хотира ва Қадрлаш куни муносабати билан миллий валютада муддатли янги омонат амалга киритилганлигини маълум қилади:**

**«МАТОНАТ»**

- Депозит уруш ва меҳнат фахрийлари учун мўлжалланган.
- Сақлаш муддати — 3 ой.
- Ҳисобланган фоизлар, мижоз ихтиёрига кўра, бўнак сифатида олдиндан ёки омонатнинг сақлаш муддати якунланганидан сўнг тўлаб берилади.
- Қўшимча бадаллар қабул қилинмайди.
- Депозитга маблағларни қабул қилиш 2015 йил 1 майдан 30 июнга қадар амалга оширилади.

*Хизматлар лицензияланган.*

**Жамғармаларининг бошқарилишини бизга ишониб топширганлар фаровонлиги учун ўзимизни масъул, деб ҳисоблаймиз!**

**Қўшимча маълумотларни (0-371) 235-42-83, 234-14-14 телефонлари орқали ёки банкнинг исталган бўлим/филиалидан олиш мумкин.**

www.nbu.com

609R/75



*Корхона ва ташкилотлар раҳбарлари диққатига!*

**Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлигининг МОДДИЙ-ТЕХНИКА ТАЪМИНОТИ БОШҚАРМАСИ**

**қуйидагиларни етказиб бериш бўйича танлов савдолари муддатини узайтиради:**

дастрўмоллар, қишки маска-шапкачалар, ёзги маска-шапкачалар, эркаклар учун иссиқ тутадиган кўк рангли курткалар, аёллар учун иссиқ тутадиган кўк рангли курткалар, эркаклар учун енгил кўк рангли курткалар, аёллар учун енгил кўк рангли курткалар, эркаклар учун кўк рангли шимлар, аёллар учун кўк рангли шимлар, аёллар учун кўк рангли юбкалар, кўк рангли галстуклар, эркаклар учун енги узун кўк рангли кўйлаклар, аёллар учун енги узун кўк рангли кўйлаклар, эркаклар учун енги калта кўк рангли кўйлаклар, аёллар учун енги калта кўк рангли кўйлаклар, эркаклар учун енги узун, резинкали, денгиз тўлқини рангли кўйлаклар, эркаклар учун енги калта, резинкали, денгиз тўлқини рангли кўйлаклар, эркаклар учун енги узун, резинкали, оқ рангли кўйлаклар, эркаклар учун енги калта, резинкали, оқ рангли кўйлаклар, аёллар учун енги калта ва енги узун, денгиз тўлқини рангли блузкалар, аёллар учун енги калта ва енги узун, оқ рангли блузкалар, резина аралашган плашч-ёпқич (плашч-накидка).

**Талабгорлардан танлов савдоларида қатнашиш учун тижорат таклифлари эълон чоп этилган санадан бошлаб 15 кун давомида қабул қилинади.**

**Маълумот учун соат 9.00 дан 19.00 гача қуйидаги телефонлар орқали мурожаат этиш мумкин: 0 10 998 (371) 255-75-12, 281-43-72, 255-83-00. Факс: 0 10 998 (371) 281-43-73.**
**Манзил: Ўзбекистон Республикаси, 100070, Тошкент шаҳри, Шота Руставели 1-берк кўчаси, 1-уй.**

599A/304



Халқ сўзи
Народное слово

МУАССИСЛАР:
Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Кенгаши, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати Кенгаши ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси

Бош муҳаррир Ўткир РАҲМАТОВ

2008 йил 15 январда Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 0001-рақам билан рўйхатга олинган. Нашр индекси — 229. Буюртма Г — 467. 120 785 нусхада босилди, ҳажми — 2 табоқ. Офсет усулида босилган. Қоғоз бичими А—2. Баҳоси келишилган нархда.

Газетамиз ҳақидаги маълумотларни юклаб олиш учун QR-кодини телефонингиз орқали сканер қилинг.

ТЕЛЕФОНЛАР:
*Девонхона 233-52-55;*
*Котибият 233-10-28; Эълонлар 232-11-15.*

ISSN 2010-8788

Таҳририятга келган қўлёзмалар тақриз қилинмайди ва муаллифга қайтарилмайди.
Реклама материаллари учун таҳририят жавобгар эмас.

Газета таҳририят компьютер марказида терилди ҳамда оператор Ж. Тоғаев томонидан саҳифаланди.

• МАНЗИЛИМИЗ:
100000,
Тошкент шаҳри,
Матбуотчилар кўчаси, 32-уй.

Навбатчи муҳаррир — И. Ўтбосаров.
Навбатчи — С. Махсумов.
Мусаҳҳиҳ — С. Исломов.

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41. ЎзА якуни — 21.10 Топширилди — 22.15 1 2 3 4 5